

(контракт тузилган жой)

Бундан буён «БЮЮРТМАЧИ» деб аталувчи *Велиет Велиетов кўн тар ш.б.ш.* устав асосида фаолият олиб боровчи рахбар *Велиет В.* бир томондан ва бундан буён «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб аталувчи «DFA T.A. MINOT» МЧЖ номидан НИЗОМ асосида фаолият олиб боровчи рахбар *Ф.Давлятов* бошқа томондан, ушбу контрактни куйидагилар тўғрисида тузилди:

**1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тулайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради.

1	Товарларнинг номи	Улч. бирл.	Микдори	Бирлик учун контракт нархи	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Ностерил перчаткалар	шт	20000	960	19200000
2	Стерил перчаткалар	пара	2000	2900	5800000
	<b>Жами</b>				<b>25000000</b>

Контрактнинг умумий суммаси **25000000** ( Ўнгирма беш миллион ) сумми ташкил қилади

**2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ**

2.1. «Буюртмачи» мазкур контрактни газначилик булимасида руйхатга олинган кундан бошлаб 3 календар кун ичида қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30 % микдорда (шартнома суммасидан 30% микдорда) олдиндан тулаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сунг 5 календар кун ичида қабул қилиш-топириш далолатнома, хисоб-фактура ва в.б. асосида тулайди.

2.2. «Етказиб берувчи» аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли хисоб-варағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 календар кун ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «Етказиб берувчи» амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. «Буюртмачи» товарларни қабул қилишда «Етказиб берувчи» ишгирикда олинаётган товарларнинг туликлигини ва сифатини савдоларни утказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомادا) қузда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар қузда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш буйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига қура товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома буйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати қуратилади.

2.8. Мазкур контрактда қузда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари: Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш талаб қилиш; Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага қура мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент буйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш. Сифатсиз товар етказиб берилганда уз ихтиёрига қура қуйидагилардан бирини талаб қилиш;

- тегишли сифатдаги шунга ухшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартараф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари: - мазкур контрактга мувофиқ узининг жойлаштирган буюртманомаси буйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тулаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: - «Буюртмачидан» олдиндан тулов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида қузда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирилган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари: - Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш; - агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрдан ва / ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йук қуйган ҳолларда Буюртмачининг талаби буйича 3-кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган хисобланади.

**4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Буюртмачи: - савдоларни утказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, савдолар қоплаб бўлмаган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар қоплаб бўлмаган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари қамалиши ҳолатлари бундан мустасно); - томонлар уртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети буйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (уз муддатда олинмаган) товарлар қийматининг 5% микдорда, тез бузиладиган товарлар буйича эса - 10 % микдорда жарима тулайди. Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (уз муддатда олинмаган) товарлар қиймати туланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тулов талабномаси ақсиз асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек хисоб - китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тулашдан бош торгганлик (банк муассасасига тулов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига уз тулашни рад этган ёки бош торгган сумманинг 15 % микдорда жарима тулайди. Етказиб берилган товарлар ҳақини уз вақтида туламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 % микдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 %дан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тулайди.

4.4. Етказиб берувчи: - савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги; - микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи буйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги; - савдолар шартларининг бошқа бузилишлари; - тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ива нави буйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тулашни рад этиш, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ива нави лозим даражада бўлмаган

товарлар қийматининг 20 % микдорда жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тулаб қуйилган бўлса, туланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ива нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан ақсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,4 % микдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки қуратилмаган хизматлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларни бузган тарафини товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тулик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қуйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки уралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада уралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб

олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5% миқдориди жарима тулайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жунатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, уз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни урашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ураб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

### 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

- 5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар қондага қура, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини курадилар.
- 5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

### 6. ФОРС - МАЖОР

- 6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари энгил бўлмайдиган кучлар (форс-тулик етказиб бериладиган маҳсулот киймати (баҳоси) Молия Вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида давлат таъминотидаги муассасаларига қундалик зарур озик-овқат етказиб берадиган ташкилотлар уртасида (тендер) танлов утказиш тугрисидаги қарорига асосан утказиладиган (тендер) танлов ишчи гуруҳига тақдим қилинган асосий истеъмол маҳсулотларнинг нархлари буйича маълумотига асосан мувофиқлаштирилади.
- 6.2. Сотиб олувчи томонидан олинган маҳсулотларнинг киймати шартноманинг 3.1. бандида қурсатилган муддатларда туланмаса, маҳсулот етказиб берувчи маҳсулотини етказиб беришни тухтатади.

### 7. Томонларнинг жавобгарлиги.

- 7.1. Томонлар «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаи тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 24-35 моддаларига асосан шартнома мажбуриятини бузганлиги учун жавобгар бўладилар.
- 7.2. Шартнома ҳар икки томон имзоланган ва муҳр босиб тасдиқланган тартибда узгартириши мумкин.
- 7.3. Шартнома буйича вужудга келган келишмовчиликлар амалдаги қонунларга асосан иқтисодий суди орқали хал қилинади.
- 7.4. Шартнома имзоланган қундан бошлаб то 2021 йил «31» декабргача амалда бўлади.

### 5. Томонларнинг ҳуқуқий манзилгоҳи:

«Маҳсулот етказиб берувчи»

Ташкилот номи: «DFA TA'MINOT» МЧЖ

Манзил: Гулистон шаҳри Ўзбекистон шох қучаси 1-уй

СТИР: 307296576 МФО: 00363 ОКОНХ:

X/P: 20208000405206208001

Банк: Миллий банк Олдираб вилояти бўлими

Раҳбар: О. Давлатов



МФО:

Раҳбар:



қураси: Раиф  
Каримов. И.